



# Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 41 (11.352)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўрғаниш институтининг Тошкент шаҳар бўлими Ахборот-таҳлил маркази ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбир «Тизимли ва босқичма-босқич демократик жараёнларда сиёсий партияларнинг ўрни» деб номланади.

● **КЕЧА** шахримизда иқтисодчилар, сиёсатшунослар, банк-молия тизими мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбир Европа Ҳамкорлик ва тараққиёт банки томонидан эълон қилинган иқтисодий таҳлил натижалари муҳокама қилинди.

● **БУГУН** Ўзбекистон тарихи Давлат музейида «Тошкент — чорраҳалар кесишувида» мавзuida ўтказилган илмий-амалий анжуман пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди. Мазкур тадбир Рус миллий-маданий маркази томонидан ташкил этилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Маънавият тарғибот марказида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳуқуқий тарғиботчиликнинг ўрни масаласига бағишланган дара суҳбати ёш ҳуқуқшунос тарғиботчилар иштирокида ўтказилди.

● **КЕЧА** Бектемир туман ҳокимлигида хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда фаолият оратиб турган қўшма корхоналарга ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам бериш масалаларига бағишланган тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ташаббуси билан уюштирилди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар чақирув-йигув пунктида Чилонзор туманидан мундарилик ҳарбий хизматга отланган аскар йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида уч йиллик бичиш-тичиш мактаби ташаббуси билан ўтказилган кўрик-танлов «Балли, қизлар» деб номланди.

● **ЎТГАН** кунни Ўзбекистон футбол федерациясида «Бунёдкор» клуби ташаббуси билан ўтказилган тадбирда жамоага янги қабул қилинган футболчилар мутахассислари муҳлисига таништирилди.

● **ЁШЛИК** талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан Собир Раҳимов тиббиёт коллежида ҳуқуқбузарлик, қонунбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ўқувчиларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан учрашуви уюштирилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Олимпия заҳиралари коллежида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ўтказилди.

● **ЁШЛИК** талабалар шаҳарчаси худудидаги касб-хунар коллежлари турар жойларида истиқомат қилаётган ўқувчилар ўртасида волейбол бўйича турнир ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг

Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА 2009-2012 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ ЎЗБЕКИСТОННИ 2009 ЙИЛДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЛИБ ҚОЛИШНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАДИ.**



Инқирозга қарши чоралар дастурига кўра, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий қилиш асосий вазифалар сирасига киради. Бу иқтисодийнинг асосий тармақлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштирилган ишлаб чиқариш қувватларига тегишли эканлиги айтиб ўтилди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда Истиқлол-

нинг дастлабки давриданок тадбиркорликини кўллаб-қувватлаш, мулкдорлар синфини шакллантириш ва маҳсулот тайёрловчи корхоналарнинг моддий-техник базисини мустаҳкамлашга беқеъс аҳамият қаратилдики, шу боис ҳам айни пайтда иқтисодий тармоқлари изчил ривожланиб бормоқда. Кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарида техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизациялаш ишлари босқичма-босқич олиб борилаётгани боис ҳам сифатли ҳамда рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ортиди. Айниқса, маҳаллийлаштириш дастури ижросига қаратилган эътибор боис юртимиз корхоналарида четдан келтириладиган хом ашё ва маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхоналар эса ана шу маҳаллий хом ашёлардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда меҳнат самарадорлигини оширмоқда.

«Агрегат заводи» акциядорлик жамиятида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаш лозим. Ўтган йил якунлари хусусида



Саноат

## ҚУЛАЙ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ

тўхталадиган бўлса, корхона меҳнат жамоасининг изланишлари ўз самарасини бериб, 6 миллиард 440 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу албатта, корхонада олиб борилаётган қайта жиҳозлаш ва модернизация ишлари натижасидир, десак янглишмаган бўлармик.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар нарқичма-нарқич, балки ташқи бозорда ҳам харидорларга бўлиб бормоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган чигит ва бугдой экиш ҳажми ортиди. Айниқса, маҳаллийлаштириш дастури ижросига қаратилган эътибор боис юртимиз корхоналарида четдан келтириладиган хом ашё ва маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Фермер хўжалиқларида қўл келмоқда. Ушбу замонавий техникалар экин экишда, парваришда ва мўл ҳосил этиштиришда қишлоқ меҳнатқашларига ҳақиқий маддакор бўлмоқда.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ортишида уларга маҳаллийлаштириш дастури асосида хом ашё етказиб бераётган кор-

хоналарнинг ўрни катта. Айниқса, «Узметкомбинат» акциядорлик жамияти, «Тошкент қувур заводи», «Дойче кабель АГ Тошкент» қўшма корхонаси сингари жамоалар билан бу борадаги ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳам ички, ҳам ташқи бозор талаблари асосида изланишлар олиб борилаётган мазкур корхонада экспорт ҳажмини оширишга эришилмоқда. Ўтган йилда Россия, Туркменистон ва бошқа қўшни мамлакатларга 1566,7 минг АҚШ долларлиқ маҳсулот сотилгани буннинг яққол далилидир. Тадбиркорлик билан иш юритишга интилаётган корхонанинг 450 нафарга яқин ишчи-хизматчилардан ташкил топган жамоаси жорий йилда ҳам улкан марраларни кўзлаган ҳолда меҳнат қилмоқда. Албатта, унинг самараси сифатли ва қулай техника воситалари ишлаб чиқаришда кўзга ташланиши, шубҳасиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
**СУРАТЛАРДА:** корхона цехларида малакали мутахассислар меҳнат қилишади.  
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

эса маҳсулотимизга бўлган талабнинг ошишида муҳим омили бўлаётди.

Хозир корхонада ишлаб чиқарилаётган нон маҳсулотлари пойтахтимизнинг Чилонзор ва Учтепа туманлари аҳолиси, шифохона, Меҳрибонлик уйлари, мактабгача таълим муассасаларига етказиб берилмоқда. Келгусида банк кредитларини жалб этиш эвазига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини янада кўпайтириш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратиш мўлжалланмоқда.

**Т.ЗИКИРОВ**  
(ЎЗА)

## СИФАТГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

**МАМЛАКАТИМИЗДА КЎПЛАБ КОРХОНАЛАР ҲАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИГА МАЗАЛИ НОН ВА НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРМОҚДА. ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «БОҒИСТОН НОН» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИ ҲАМ АНА ШУНДАЙ КОРХОНАЛАР СИРАСИГА КИРАДИ.**

— Саксон нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётган корхонамизда кунига 23 тоннадан ортиқ 20 турдаги инсон саломатлиги учун фойдали бўлган нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. — дейди корхона ди-

ректори ўринбосари Хайрилла Азлархонов. — Германиядан келтирилган замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳларининг ўрнатилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми анча ошди, сифати янада яхшиланди. Бу

содиётнинг барча тармоқлари, жумладан, енгил саноат соҳасидаги ишловчи корхоналарнинг юзасидан белгилаб берилган вазифалар хусусида гапирди.

Ярмарка залларида Ўзбекистоннинг ўнга яқин компания ва корхоналари, хусусан, «Узинтеримпекс», «Ўзмарказимпекс», «Навбахор тўқимачи», «Коттон роад», «Байтекс» ва бошқалар ўз маҳсулотла-

рини намойиш этмоқда. — «Текстильлепром» ярмаркасида учинчи бор иштирок этмоқдамиз, — дейди «Тошкент КаяТекстиль» компанияси экспорт бўлими бошлиғи Виктория Шибакина. — Москвага пахтадан йиғирилган юқори сифатли иппар, турли хилдаги тўқимачилик матоларини олиб келганмиз. Россия ва бошқа мамлакатлардаги харидорларимиз со-

нининг кўпайишидан умидвормиз. Янги ҳамкорларимизнинг аниқ сони эса ярмарканинг охиригача кунини шартномалар имзолангандан сўнг маълум бўлади.

Ярмарка ташкилотчиларининг айтишича, Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар доимо юқори сифатли ва рақобатбардош, дунё меъзолига қараганда янада яхшироқ маҳсулотларни намойиш қилиб келишади. Бу эса мамлакат саноати ва иқтисодиёти барқарор ривожланаётганидан далолатдир.

**«Жаҳон» АА,**  
**Москва.**

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси филиалларининг техник, ташкилий ва молиявий самарадорлигини оширишга бағишланган бизнес-тренинг иш бошлади. Компания филиал ва корхоналарининг техник директорлари, раҳбар ходимлари иштирок этаётган бир ҳафталик бизнес-тренинг машғулотлари амалиёт билан биргаликда олиб борилмоқда.

● Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмасида «Ўзбекистонлик фермер аёлларни кўллаб-қувватлаш» мавзuida семинар ўтказилди. Анжуманда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида фермер хўжалиқлари фаолиятини тақомиллаштириш, ишбу жараёнда аёл фермерларнинг фаол иштирокини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

● Навоий шаҳрида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажақдаги режалар» мавзuida матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу анжуманда суд, адлия, ҳокимлик, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

● Бухоро вилоятида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги эълон қилинди. Ҳисоб-китобларга қараганда, шу давр мобайнида 30 минг туп атрофида турли дарахт қўчатлари экилади, ўнлаб зиёратгоҳлар ободонлаштирилади.

● «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгашида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари иштирокида ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичида 14 нафар номзод иштирок этди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театри ижодий жамоаси «Наврўз оҳанглари» ҳамда «Айқулаш юлдузлари» миллий ансамбллари билан ҳамкорликда «Овулимда Наврўз» театрлаштирилган композициясини тайёрламоқда. Ушбу дастур Наврўз байрами тантаналарида намойиш этилади.

● Гулистон шаҳридаги 16-мактабда кизлар ўртасида стол тенниси бўйича «Қамолот» малакаси спорт мусобақаларининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

● Латвия Европа Иттифоқидан молиявий ёрдам олади. Европа комиссияси Латвия ҳукуматига бир миллиард евро миқдорда кредит ёрдамини ажратди. Бу Латвия ва ЕИ томонидан 2008 йил декабрь ойида имзоланган шартномадаги 3,1 миллиард евронинг бир қисмидир.

● Кеча Ирландияда бўлиб ўтган давлат хизматчиларининг оммавий иш ташлаш тадбирида 13 минг киши иштирок этди.

● Польша Мудофаа вазирининг ўринбосари Станислав Коморовский Польшанинг аввал келишилганидек ўз худудида америкаликларнинг ракета зарбасига қарши мудофаа тизимини ўрнатишга тайёр эканлиги, бундан ташқари Украина ва Грузияни НАТО таркибига киритишнинг вақти келганлигини таъкидлади.

● Европадаги «Халқаро тиббий ёрдам» нодавлат гуманитар ташкилоти ходимлари Суданнинг Дарфур музофоти худудида хужумга учради. Гуманитар ташкилотга қарашли машинанинг қамалга тушиб қолиши натижасида йўловчиларнинг 2 нафари ўлдирилган, 4 тасига эса турли даражадаги тан жароҳатлари етказилган. Қузатувчиларнинг фикрича, нодавлат ташкилот вакиллари ўтирган автомашина Дарфурда юз бераётган низоларга алоқадор бўлмаган маҳаллий жиноятчилар томонидан ўққа тutilган.

● Норвегияда ўтган 81 йилдан буён илк бор Шимоллий Кутбни биринчи бўлиб забт этган машҳур сайёх Роальд Амундсен экспедицияси изларини қидириш ишлари бошлаб юборилди.

● Бирлашган Араб Амирликлари АҚШ дан 3 миллиард долларга яқин малабга харбий-транспорт самолётларини сотиб олишни билдирди.

● Жанубий Кореянинг мобил телефонлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда иккинчи ўринда турувчи «Самсунг Электроникс» компанияси қуёш батареялари билан ишловчи дастлабки уяли алоқа воситасини тайёрлади. «Блу Эрс» деб номланган телефоннинг ишлаши учун етарлича қувват берувчи қурилма алоқа воситасининг орқа томонидаги аккумуляторига бириктирилган бўлиб, уч дақиқа давомида гаплашиш учун қуёшдан ўн дақиқалик қувват олиш етарли.

● Францияда жорий йилнинг январь ойида ишсизлар сони 4,3 фойзга ошиб, рекорд даражага етди.

● Яқин Шарқда қидирув ишлари олиб бораётган «Dana Gas» нодавлат нефть компанияси Миср худудидан катта миқдорда табиий газ захирасига эга бўлган конни аниқлади. Маълумотларга қараганда мазкур худуддан 100 миллиард куб метр газ қазиб олиш мумкин экан.

## ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ МАҲСУЛОТЛАРИ МОСКВА ЯРМАРКАСИДА

Москва ҳукумати ҳомийлиги остида Россия Саудо-саноат палатаси, қатор федерал вазирликлар, саноатчи ва тадбиркорлар иттифоқлари кўмағида ўтказилаётган анжуман Россия кўрғазма марказидаги 35 минг квадрат метр майдонни эгаллаган бешта павильонда жойлашди. Унда Россия ва дунёнинг 38 та мамлакатидан, жумладан, Ўзбекистондан келган жами 2,5 мингдан зиёд иштирокчи қатнашмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги элчиси

**РОССИЯ КЎРГАЗМАЛАР МАРКАЗИДА «ТЕКСТИЛЬЛЕПРОМ» ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТ ВА УСКУНАЛАРИНИНГ 32-ФЕДЕРАЛ УЛГУРЖИ ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМ ЎЗ МАҲСУЛОТ НАМУНАЛАРИ БИЛАН ИШТИРОК ЭТИШМОҚДА.**

Илҳом Нейматов Ўзбекистонда муштақиллик йилларида саноатнинг турли тармоқларини, хусусан, тўқимачилик соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизда 2008 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида эришилган натижалар, яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президент Ислам Каримов томонидан иқти-





